O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

XДP
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 3-avgust • Seshanba • 90 (31.210) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

www.uzbekistonovozi.uz

# МАЪНАВИЯТ ВА АДАБИЁТГА ЭЪТИБОРНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод уйи ва поликлиникаси капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди**






Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимизнинг маънавий ҳаётини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш адабиёт ривожи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Миллий адабиётимизни ривожлантириш, ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарларида адабиётнинг, соҳа вакилларининг жамиятимиздаги ўрни ва таъсирига юксак баҳо берилган. Миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар юзасидан атрофлича фикр билдирилган. Зеро, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг ўрни, таъсири ва аҳамияти беқиёсдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароит яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фонди ташкил этилди. Миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маиший, тиббий хизматлар кўрсатиш ва

→2





## Эзгу ишнинг қаноти бор...

*Туғилишни қайд этиш: амалиёт ва муаммолар*

→3

## Боланинг бўш вақти

*қаерда ва қандай ўтаяпти?*

→4

*Ўзбекистонга илк бор келишим бўлса-да, бу ерда турли жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самараларни кўриб, чин дилдан ҳайратландим. Мамлакатингиз иқтисодиёти муттасил юксалиб бораётир. Саноатнинг кўплаб тармоқлари изчил ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини катта қизиқиш билан ўрганиб чиқдим. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар, жумладан, ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, инқирозга қарши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилган кенг қамровдаги чоралар туфайли Ўзбекистон глобал иқтисодий бўҳрондан деярли зарар кўрмагани ҳар қадамда сезилади».*

**Вон РИХТОР,**
**«ING Bank N.V.» банки ижрочи директори (Сингапур)**



# Электорат ва сиёсий партия

*бир-бирини қўллаб-қувватласа, дастурий мақсадлар амалга ошади*

### ЎзХДП: устувор вазифалар

Янгиланаётган замон, янги давр ҳар бир соҳага ўзининг талабларини қўяди, албатта. Ҳозирги даврда сиёсий партиялар шиддат билан тараққий этаётган демократик жараёнларнинг муҳим институти сифатида давлат бошқарувини янгилаш, мамлакатни модернизация қилишда ўз ўрнини тўла намоён этиши зарур. Бунда энг аввало сиёсий куч ўз электорати ишончига сазовор бўлиши, у билан доимий равишда фаол иш олиб бориши талаб этилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятида бўлиб ўтган давра суҳбати шу масалага бағишланди. Унда партия фаоллари, депутатлар ва етакчилар, журналистлар мавзунинг турли жиҳатлари ҳақида фикр алмашдилар.

Давра суҳбатини газетамиз бош муҳаррири Сафар Остонов олиб борди.

→2

# Муаммо билан юзма-юз

Партия электорати орасида ёшлар катта қисмни ташкил этади. Уларнинг муаммо ва эҳтиёжлари партияга бегона эмас. Мазкур муаммоларни ҳал этишда республиканинг барча минтақаларидаги ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан ҳар бир минтақада ёшларни ўйлантираётган масалаларнинг доимий мониторинги олиб борилади. Бу борада Наманган вилояти ҳам истисно эмас.

Яқинда Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган вилоят бўлими билан бирга, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови, шунингдек, конференция ва «Давра суҳбатлари» ўтказди. Бундан аввал, биринчи навбатда, ёшларни энг ўйлантираётган мавзу — ишга жойлашиш масаласи бўйича катта таҳлилий иш олиб борилди.

→3



**ОБ-ҲАВО 03-04. 08. 2010**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 35°C | 36°C |
| Самарқанд | 37°C | 38°C |
| Нукус | 39°C | 40°C |
| Қарши | 39°C | 40°C |
| Урганч | 39°C | 40°C |
| Навоий | 39°C | 40°C |
| Фарғона | 37°C | 38°C |
| Бухоро | 39°C | 40°C |
| Андижон | 37°C | 38°C |
| Наманган | 37°C | 38°C |
| Термиз | 40°C | 41°C |
| Жиззах | 37°C | 38°C |
| Гулистон | 37°C | 38°C |
| Тошкент вил. | 37°C | 38°C |
| Лондон | 31°C | 32°C |
| Париж | 32°C | 33°C |
| Москва | 36°C | 37°C |
| Мадрид | 37°C | 38°C |
| Пекин | 38°C | 39°C |
| Гонгконг | 40°C | 39°C |
| Рим | 35°C | 34°C |
| Анқара | 35°C | 37°C |
| Токио | 32°C | 33°C |
| Стокгольм | 31°C | 32°C |
| Кейптаун | 16°C | 15°C |
| Қоҳира | 29°C | 30°C |
| Гавана | 41°C | 42°C |
| Вашингтон | 32°C | 33°C |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 3 АВГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1461,80 | 1 Миср фунти | 282,33 | 1 СДР | 2441,19 | 10 Жанубий Корея вони | 13,71 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2527,48 | 1 Канада доллари | 1566,72 | 1 Туркия лираси | 1070,53 | 10 Япония иенаси | 185,89 |
| 1 БАА дирҳами | 437,71 | 1 Хитой юани | 237,37 | 1 Швейцария франки | 1546,22 | 1 Россия рубли | 53,26 |
| 1 АҚШ доллари | 1607,61 | 1 Малайзия ринггити | 508,58 | 1 Евро | 2089,54 | 1 Украина гривнаси | 203,67 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



# Боланинг бўш вақти

## қаерда ва қандай ўтаяпти?

**Ёзги таътил — 2010**

Тўғри, болаларнинг бир қисми оромгоҳларга жалб этилган. Қолганлари-чи? Мактаблар, маҳаллалар, мактабдан ташқари муассасаларда бу борада қандай ишлар қилинаяпти? Улардаги спорт заллари, тўгараклар фаолияти қай даражада? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Дўстлик туманидаги бир қатор қишлоқлар ва улардаги мактабларда бўлдик.



Очиғи, аввалига мактабларнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мураббийларининг аксарияти ёзги меҳнат таътилини ўтказаётган бир шароитда спорт масканлари анча ҳувиллаб ётгандир, деган ўйга боргандик. Аммо «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 10-мактабда бўлганимизда бу фикримизнинг нотўғрилигини англадик. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобига қурилган ва ўтган йили фойдаланишга топширилган спорт залида гимнастика бўйича машғулот ўтказилаётган экан. Машқларни астойдил бажаришга ҳаракат қилаётган 12 ёшли Моҳинисо Қўлдошеванинг сўзларидаги қатъиятдан ҳайрон қоласан, киши.

— Телевизор орқали бадиий гимнастикачиларнинг чиқишларини кузатиб бораман, — дейди у. — Мен ҳам улардай бўлмоқчиман. Биламан, бу осон эмас. Аммо, албатта, мақсадимга етаман.

Мактаб қошидаги стол теннисы тўгарагида 28, баскетбол тўгарагида 31, шоҳмот-шашка тўгарагида 23 нафар бола шуғулланмоқда. Кечга яқин спорт зали ва ёзги спорт майдони турли ёш ва касбдаги кишилар, кўпроқ ёшлар билан янада гавжум бўлади. Улар спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси турлари бўйича ўзаро куч синашадилар.

Қаҳрамон қишлоғидаги 4-мактабга борганимизда ҳам шунга ўхшаш манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда замонавий спорт зали қуриб берилганига ва қишлоқ аҳолисининг кўп йиллик орзуларининг амалга ошганига уч йилдан ошган бўлса-да, залдан ва мавжуд спорт жиҳозларидан нақадар эҳтиёткорлик билан асраб-авайлаб фойдаланилаётгани кишини қувонтиради. Залга оёқ кийимларини махсус жойга ечиб, алоҳида пойафзал билан кирилади.

— Бизда ёзги таътил деган гап йўқ, — дейди мактаб директори Мурод Нурқобилов. — Аксинча, бундай пайтларда спорт тўгаракларимиз фаолияти янада жонланади. Айни кунларда спортнинг 9 тури бўйича ташкил этилган тўгаракларда 82 нафар бола иштирок этаяпти. Қўшни 11 ва 12-мактабларнинг ўқувчилари билан мусобақалар ўтказиб турибмиз.

Туман болалар ижодиёти марказига бориб, директор Гулнора Холмуродовани суриштирдик. Навбатчи уни қўшни — спорт мактабидан топасиз, деди.

Бордик. Марказ раҳбари волейболчи болаларнинг мусобақасига ҳакамлик қилаётган экан.

— Болалигимдан спортнинг волейбол турини ёқтираман, — деди у. — Умуман, спортнинг нима эканлигини яхши биламан. Болаларни, ҳатто, маҳалламиздаги катталарни ҳам спортга қизиқтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Оромгоҳларга жалб этилмаган болалар жадвал бўйича тўгараклардаги машғулотлардан сўнг, спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга. Бугун-эрта марказимизда бадиий гимнастика тўгарагини йўлга қўймоқчимиз. Бизда зарур шарт-шароит бор, мураббий ҳам топдик.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тумандаги барча мактаблар ва улардаги спорт объектлари ёзги таътил кунларида болалар билан гавжум, бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқ экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак, албатта. Масалан, 1-мактабдаги спорт зали биз борган куни қулфланган эди. Бу ерда биронта болани ёки жисмоний тарбия ўқитувчисини учрата олмай афсусландик.

— Жисмоний тарбия ўқитувчиларимиз таътилда бўлганлиги сабабли спорт тўгаракларимиз вақтинча ишламаяпти, — дея изоҳ берди мактаб директори вазифасини бажарувчи Ғайрат Носиров. — Ёзги оромгоҳларга жалб қилинмаган болалар билан шаҳарларга, турли тарихий жойларга сайёҳатлар уюштиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Туман халқ таълими бўлимидаги мутасаддиларнинг айтишича, мавжуд 19 та мактабнинг 8576 нафар ўқувчиси шу кунларда ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда. Уларнинг 1172 нафари мактабдан ташқари тўгаракларга, 1100 нафари «Ёз — 2010» спорт мусобақаларига, 2522 нафари мактаблар қошидаги соғломлаштириш машғулотларига, 360 нафари оромгоҳларга, 2830 нафари мактаблар қошидаги куни қисқартирилган оромгоҳларга жалб этилган.

Табиийки, ёзги таътил чоғида болаларнинг бўш вақтлари одатдагидан кўпроқ бўлади. Бундай пайтларда уларни назоратсиз ташлаб қўймаслик, таътилда мазмунли ҳамда фойдали машғулотлар билан банд бўлишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим. Спорт эса ана шу шарт-шароитларнинг бир қисми ҳисобланади. Албатта, ёзги таътилни бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланиб, дала-даштда мол боқиб ёки кун бўйи кўча чангитиб, бесамар, мақсадсиз ўтказаётган болаларнинг борлиги ҳам сир эмас. Бу билан биз болалар ота-оналари, ака-опаларига ёрдам бермасин, демоқчи эмасмиз. Аммо, кун давомида, ҳафталаб, ойлаб шу каби ишлар билан банд бўлиб қолиш боладаги ўзига хос қизиқиш, интилиш, иқтидор ва истеъдод учқунларини бир қадар сўндириб қўймайдими, унинг жисмоний ва ақлий чиниқишига, баркамол инсон бўлиб ўсиб-улғайишига қайсидир маънода тўғаноқ бўлмайдими?

Шундай экан, жойларда ота-оналар, мактабларнинг мутасаддилари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, мавжуд спорт заллари ва спорт тўгаракларининг мунтазам ишлашига эришиш, мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини янада жонлантириш чора-тадбирларини кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўларди, деган фикрни илгари сурмоқчимиз, холос.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Зиёдулла Нормуродов олган суратлар.

# «Соғломжон — Полвонжон» спорт байрамида

**Болалар спорти**

Мактабгача таълим муассасаларида кичкинтойлар қалбида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, уларни чиниқтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар боғчаларида жажжи ўғил-қизлар ўртасида турли спорт ўйинлари ва мусобақалари ташкил этиш анъанага айланиб бораётгани, айниқса, қувончлидир.

Куни кеча пойтахтимиздаги «Чилонзор» болалар спорт мажмуида кичкинтойларнинг севимли тадбирларидан бири — «Соғломжон — Полвонжон» спорт байрами бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги ўн битта мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этди. Байрам дастурига мувофиқ, тадбирда болалар боғчаларида спортнинг нафис тури — бадиий гимнастика бўйича илк кўникма олаётган жажжи қизалоқлар ўз чиқишларини намойиш қилдилар.

— Қизларимиз соғлом ва дуркун бўлиб улғайишида бадиий гимнастика муҳим аҳамият касб этиши сир эмас, — дейди мураббий Айжан Ибрагимова. — Уларни тўрт-беш ёшидан бошлаб спортнинг шу турига жалб этиш кутилганидан зиёда натижа беради.

Тадбир якунида байрамнинг барча қатнашчилари Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан таъсис этилган махсус совғалар билан тақдирланди.



*Суратларда:* «Соғломжон — Полвонжон» спорт байрамидан лавҳалар.

# Ўқув қўлланмалари сифати

## чоп этиш технологиясига ҳам боғлиқ




**Мулоҳаза** Ўқувчи-талаба чуқур билим эгаси ва ўзи танлаган касб сирларини мукаммал эгаллаши учун аввало ўқув қўлланмалари сифатли бўлиши керак. Шу боис «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида янгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 345 ҳамда олий таълим муассасаларининг 180 номдаги янги ўқув қўлланмаларини нашр этиш алоҳида таъкидланган.

Қўлимда олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган 2006 йилда чоп этилган П.Убайдуллаев ва Б.Убайдуллаевнинг «Амалий суюқлик механикаси» ўқув қўлланмаси. Бу ўқув қўлланма суюқлик ва газ механикаси бўйича лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида чиққан биринчи китоб бўлишига қарамай, мутахассислар томонидан яхши кутиб олинди. Чунки унда соҳага доир маълумотлар талабалар учун тушунарли тилда баён этилган ва техник терминларнинг ўзбекча атамаларидан унумли фойдаланилган. Лекин ўтган йилларда дарслик ва ўқув қўлланмаларини чоп этишда янгича тизим (қоғоз оқлиги ва қалинлиги, матн ҳарфларининг катталиги ва ранги, расмларнинг матндан маълум масофада узоқлиги ва ҳоказолар) қўлланиляпти. Дарҳақиқат, бугунги технология асосида чоп этилган ўқув қўлланмалари ўқиш учун қулай, кўзни толиқтирмайди ва матн яхши ўзлаштирилади.

Хуллас, соҳа мутахассислари ва олий ўқув юртлари учун зарур бўлган юқоридаги каби илгари чиққан ўқув қўлланмаларини муаллифлар билан тўлдирган ҳолда янги технология асосида қайтадан чоп этилса, айни муддао бўларди.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**техника фанлари номзоди, доцент.**

Тошкент шаҳридаги «ТАМИРИС» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри ва учбурчак штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

AGROBANK

**«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки**

*барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади!*

**Шодиёна муносабати билан «Агробанк» қуйидаги банк хизмати турларини таклиф этади:**

- Пластик карточка — **замонавий ва ишончли тўлов воситаси!**
- Visa Card — **дунё бўйлаб молиявий эркинлик!**
- Пул ўтказмалари — **тез, оддий ва ишончли!**
- Депозит катакчалар — **қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши!**
- Пул омонатлар — **даромадингизни кўпайтиришнинг ишончли усули!**

*«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!*

Хизматлар лицензияланган

**ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ**

*Сиз учун диққатга лойиқ* **«МЎЪЖИЗА»** *омонатини таклиф этади.*

*Омонатга маблағлар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой муддатга йиллик 16 % миқдорида даромадлари билан бирга, омонатдаги маблағлар белгиланган муддат давомида сақлангандан сўнг, омонат қолдиғига 4 % бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади.*

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Temur Xudoyberdiyev

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 749
8091 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 23.45
1 2 4 5
Sotuvda erkin narxda